

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Қарори**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрда қабул қилинган «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5564-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек бизнесни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ойлик муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу Қарорга мувофиқлаштирсин.
3. Ушбу Қарорнинг ижроси устидан назорат қилиш \_\_\_\_\_ зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири**

**А. Арипов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_да қабул қилинган Қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июнда қабул қилинган «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 245-сонли Қарори 4-бандининг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) устав капиталидаги давлат улуши 50 ва ундан ортиқ фоиз бўлган, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари суммасининг ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда – тушмаган валюта маблағлари суммасининг ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайди.

Ушбу қарорда белгиланган жарималар қўлланилган тақдирда, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ундирилиши муддатларидан қатъи назар, айти бир предмет бўйича қарздорлик ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) амалдаги экспорти ҳажми бўйича тадбиркорлик субъектларига такрорий санкциялар қўлланилмайди.

Белгилансинки:

агар жарима қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш,

ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, жарима қўлланилмайди;

агар суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, қўлланилган жарима тўланмайди;

агар жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, тўланган жарима қайтарилиши лозим».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 416-сонли Қарорига 1-иловининг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Устав капиталидаги давлат улуши 50 ва ундан ортиқ фоиз бўлган, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайди.

Белгилансинки:

агар жарима қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, жарима қўлланилмайди;

агар суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш,

ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, қўлланилган жарима тўланмайди;

агар жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, тўланган жарима қайтарилиши лозим.

Ушбу Низомда белгиланган жарима санкциялари қўлланилган тақдирда, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ундирилиши муддатларидан қатъи назар, айтиб бериш қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) амалдаги экспорти ҳажми бўйича экспорт қилувчига такрорий санкциялар қўлланилмайди.

Экспорт контрактининг суғурта полиси бўйича суғурта қопламаси суммаси (миллий ва (ёки) хорижий валюталарда) экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига тушганда, ушбу экспорт контракти бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадлари учун тушган суғурта қопламаси суммасига камайтирилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 189-сонли Қарорига илованинг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона расмийлаштируви кунидан бошлаб 180 кун мобайнида экспорт қилувчи у томонидан шартномалар (контрактлар) асосида чет элдаги корхоналар манзилига олиб чиқиб кетилган товарлар бўйича валюта тушуми тушишини таъминлаши, ёхуд ушбу товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариши керак.

Бунда энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзага келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, энгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади;

Устав капиталидаги давлат улуши 50 ва ундан ортиқ фоиз бўлган, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши 30 банк кунидан ортиқ (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60 банк кун) кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчига белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин солиқ органлари томонидан:

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда – тушмаган валюта маблағлари суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда қўшимча санкциялар қўлланилади.

Белгилансинки:

агар жарима қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, жарима қўлланилмайди;

агар суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, қўлланилган жарима тўланмайди;

агар жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида валюта маблағларининг тушуми ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, тўланган жарима қайтарилиши лозим.

Хориждаги корхоналар манзили бўйича олиб чиқилган ҳамда ташиш ёки сақлаш жараёнида ёхуд экспорт қилувчига ва хориждаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келган товарларга тегишли ваколатли органнинг экспертиза далолатномаси ва (ёки) товарлар жойлашган мамлакатдаги божхона органининг товарлар божхона назорати остида йўқ қилинганлиги тўғрисидаги тасдиғи берилади.

Бунда экспорт қилувчига нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Экспорт контрактининг суғурта полиси бўйича суғурта қопламаси суммаси (миллий ва (ёки) хорижий валюталарда) экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига тушганда ушбу экспорт контракти бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадлари учун тушган суғурта қопламаси суммасига камайтиради».